O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

*Milliy tiklanish — millat kelajagi*

# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 29 aprel, Juma

8 (314) son

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши пленумида*

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ: ТАЛАБЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида ЎзМТДП Марказий кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари, ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари иштирок этдилар.**

Анжуманда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида маъруза қилди. Раис ЎзМТДП жамиятдаги тинч-тотувлик, қонун устиворлиги, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқининг таъминланиши, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг юксалиши, давлатчилик ва истиқлолнинг мустаҳкамланиши миллий ва маънавий бирликка боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. «Миллий тикланиш»чилар ҳаракатларини мана шу бирликка эришишга қаратишаётгани, партиямиз шу миллий-маънавий бирликни улуғ ғоя деб билиши ва бу ғояни «Миллий тикланиш» ғояси деб ҳисоблашлари ҳақида гапириб ўтди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси партия кенгашларининг барча бўғинларида чуқур ўрганиб чиқилиб, шу асосда аниқ тадбирлар белгиланиши зарурлиги уқтирилди.

Пленум ишида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий ҳокимият органларига бўлиб ўтган сайловлардаги иштироки атрофлича муҳокама этилди.

Маълумингизки, ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 11 нафар депутат сайланди. Маҳаллий ҳокимият органларига Андижон, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан кўпроқ депутатлар сайланишига эришилди. Албатта, бу вилоят кенгашлари раҳбарларининг ишга нечоғли муносабати-ю, партия атрофига халқ орасидаги обрў-эътиборли кишиларни бирлаштира олиши натижаси демакдир. Аммо бу борада Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги аҳвол кўнгилдагидай эмас. Сиёсий партиянинг ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланиб, партияга қўйилаётган талаблар янгиланиб бораётган даврда бундай ҳолат билан муроса қилиб бўлмайди.

Пленумда сўзга чиққан Марказий кенгаш аъзолари Қаландар Абдураҳмонов, Ашурали Жўраев, Шарифа Салимова, Абдусалом Умаров, Дилбар Қобулова, Бахтиёр Мўминов, Жаннат Тошматовалар партия фаолияти сайловлар арафасида жонлангани, ҳозирда эса яна сустлашиб кетаётгани, партияга қизиқиш айримларда бўлгани каби фақат депутатликка сайланиш учун пайдо бўлаётгани, келгусида партия ёшлар ва тадбиркорларга кўпроқ таянишини ҳамда уларни сафларимизга жалб қилиш лозимлигини, партия фаоллари ўзларини сўзда эмас, амалда кўрсатишлари кераклигини куйиниб гапиришди.

Сўзга чиққанлар жойларда партия ишини жонлантириш, зиёлилар, ижодкорларни партия ишига яна ҳам кўпроқ жалб қилиш, партиянинг вилоятлардаги вакилларини бошқа вилоятлар билан ўзаро тажриба алмашишларини йўлга қўйиш, сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим эканини алоҳида уқтиришди.

Пленумда ЎзМТДПнинг 2005 йил иш режаси, Марказий кенгаш раёсати ва аъзолари тасдиқланди. Шунингдек, пленум кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Маълумки, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўн йиллик тўйи муносабати билан жойларда турли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Яқинда Шайхонтоҳур тумани «Новза» маҳалласида ўтказилган учрашув ҳам шу санага тайёргарликнинг муносиб давоми сифатида ўтди. «Миллий тикланиш» партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган, 200 дан ортиқ қатнашчи иштирок этган бу йиғинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сарвар Абдуллаев, «Миллий тикланиш» партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайринисо Мирзажоновалар бугунги кунда ЎзМТДПнинг олиб бораётган фаолияти, вилоят, шаҳар, туман кенгашларида амалга оширилаётган ишлар, партиянинг мақсад-вазифалари, партия тарғиботида маҳаллаларнинг ўзига хос ўрни ҳақида сўзладилар. Шундан сўнг ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ақида Азизова,



*«Новза» маҳалласидаги учрашувдан лавҳа.*

«Новза» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Абдураҳмонов, 14-Оилавий поликлиника бош шифокори Озода Алимова, 254-мактаб директори Б.Пўлатовалар маъруза қилишди.

Сўзга чиққанлар бу йилнинг Президентимиз ташаббуси билан «Сиҳат-саломатлиқ йили» деб эълон қилиниши ва бу ташаббус эл саломатлиги йўлида ҳукуматимиз томонидан қилинаётган эзгу ишларнинг муносиб давоми дея эътироф этдилар.

Тадбир сўнгида маҳалланинг кам таъминланган оилаларидан 18 хўжаликка «Миллий тикланиш» партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ажратилган совғалар топширилди.

Шу куни маҳалла аъзоларидан олти нафарига ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг аъзолик билетларини топширди.

xxx

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғофур Маматов, Абдурашид Тўхтабоевлар билан Жиззах Давлат Педагогика институти талабалари ва ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгашининг фаоллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда бугунги кунда талаба-ёшларнинг партиялар, хусусан «Миллий тикланиш» партиясининг фаолиятига қизиқишлари уларнинг депутатларга берган саволларида яққол намоён бўлди. Қизғин суҳбат тарзида ўтган бу йиғин барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз**

## ҲАМКОРЛИК БИТИМИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» марказий ўйингоҳида Президент соврини учун кураш бўйича ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган VII халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида курашнинг икки йўналиши бўйича I Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда дунёнинг беш қитъасидан ўттизга яқин давлатларнинг 300 дан ортиқ энг донгдор полвонлари куч синашдилар.

Халқаро турнир олдидан ЎзМТДП ва Кураш Халқаро Ассоциацияси ўртасида миллий ғурур, миллий руҳ ва миллий истиқлол йўлида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.

## ПАРТИЯ АХБОРОТИ

* * *

ЎзМТДПнинг Қашқадарё вилоят кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида фикр алмашилди. Пленумда вилоят кенгаши фаолияти таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ошкора танқидий фикрлар билдирилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Вилоят кенгаши раиси Абдусамат Шойқулов вазифасидан озод қилиниб, унинг ўрнига кенгаш раиси этиб Эгамберди Хўжаев сайланди.

Пленум ишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, ЎзМТДПнинг Олий Мажлисдаги фракция аъзоси Жума Чоршанбиевлар иштирок этишди.

* * *

Кеча Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Пленумда партиянинг Жиззах вилоят кенгаши раиси А.Маматовнинг кенгаш фаолияти ҳақидаги ахбороти тингланди.

Шундан сўнг пленум кун тартибидаги ташкилий масала кўрилди. Кенгаш раиси А.Маматовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат бўлиб сайлангани муносабати билан, унинг ўрнига Жиззах Давлат педагогика институти ректори, профессор Дўсматов Олим Мусулмонович партиянинг Жиззах вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда «Миллий тикланиш» партияси Марказий Кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғофур Маматов, Абдурашид Тўхтабоевлар иштирок этишди.

*«Миллий тикланиш» партиясининг 10 йиллигига*

## МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ҒОЯСИ БОҚИЙДИР

*Умид ИСМОИЛОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» фракцияси аъзоси.*

*«Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир».*

*И.А.КАРИМОВ*

Келажаги буюк давлатни барпо этиш энг биринчи навбатда фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилади. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни муносиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Ватан тарихи ва маданиятини, жўғрофияси ва иқтисодини, қадимий анъаналари, урф одатлари ва қадриятларини чуқурроқ ўрганиш, ўзлигимиз, миллийлигимизни теранроқ англашга замин яратади. Миллий ғоя, миллий ўзига хосликни сақлаб туриш ва миллий манфаатларни амалга ошириш муҳим аҳамиятта эгадир.

Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади. Буюк халқимизнинг қалбида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик ва саховатпешалик каби улуғвор хислатлар мужассамдир.

Меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, ор-номус ва ҳаё каби эзгу фазилатлар халқимизга хосдир. Ўзлигимизга хос фазилатларни асраш, йўқолиб кетганларини тиклаш, миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, миллий бирдамлик, ҳамжиҳатлик, халқлар дўстлигини тобора мустаҳкамлаш, маҳаллийчилик, гуруҳбозликка йўл қўймаслик, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик тангликни бартараф этиш, инсон саломатлигини яхшилаш, энг долзарб муаммолар бўлиб, миллий тикланиш ғоясининг асосини ташкил этади. Миллий тикланишга моддий база яратиш учун мустақилликнинг иқтисодий заминларини мустаҳкамлаш, санъатнинг барча турлари ва тармоқларини замонавий талаблар асосида барпо этишнинг аҳамияти жуда катта.

Бу соҳада мамлакатимизда шундай улуғвор ишлар амалга оширилмоқдаки, ўз тақдиримизни қўлимизга олишга, ўзлигимизни англашга, миллий қадриятларни тиклашга, урф-одатларимизни тиклашга, ҳар жиҳатдан баркамол, соғлом ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялашга ва ниҳоят мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат яратишга, жамиятимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга имконият яратилди.

Ўзларининг оламшумул илмий тадқиқотлари ва амалга оширган кашфиётлари билан жаҳон, умуминсоният фани маданиятининг олтин хазинасига салмоқли ҳисса қўшган аждодларимиздан буюк математик ва астрономлар ал-Хоразмий, Фарғоний, Жавҳарий, Марвазий, Улуғбек; файласуф ва илоҳиётчи-ҳуқуқшунослар Ал Форобий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Марғиноний, Насафий; қомусий олимлар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино; тилшунос-шоирлар Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, аз-Замахшарий, Алишер Навоий; тарихчилар Бобур Мирзо, Абулғози Баҳодирхон, Огаҳийлар ватанимизга қайтишди.

Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, буюк давлат арбоби Амир Темурнинг 660 йиллиги, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларнинг 2500 йиллиги, буюк мутафаккир муҳаддислар султони Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги, Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хўжа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги ва қомусий олим, аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги, қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги ҳамда ўзбек халқининг шонли фарзанди Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, Имом Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллик юбилейлари халқаро миқёсда нишонланиши фикримиз далилидир.

Мамлакатни моддий ва маънавий салоҳиятини юксалтириш мақсадида ҳар бир шахсга ўзининг меҳнат фаолиятини намоён этишга, уларнинг ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароити яратилди.

Ганчкорлик, наққошлик, кулолчилик, каштадўзлик ва бошқа турли шаклдаги халқ ҳунармандчилигининг ривожланишига кенг йўл очиб берилди.

«Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати, манбаи халқимизнинг умумий, инсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади, ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир»-деб таъкидлаган эди, Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўзининг «Истиқлол ва маънавият» номли асарида.



Ҳақиқатан ҳам, жамиятнинг иқтисодий асосларини яратиш учун, халқнинг ўсиб бораётган талабини қондириш учун, халқимизга хос урф-одатларни, миллий қадриятларимизни тиклаш учун ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш учун жуда улкан ишлар амалга оширилди.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида ўтган йилги халқимиз қўлга киритган ютуқларни фахр билан таъкидлаб ўтган эди: «Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ислоҳот йиллари давомида ялпи ички маҳсулот илк бор 7,7 фоиз ўсди. Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари жадал, изчил ривожланмоқда-саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоизга, жумладан, саноат товарлари ишлаб чиқариш 18,6 фоизга ўсди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 10,1 фоизга ошди. Бошоқли дон экинларидан тахминан беш миллион тоннага яқин ҳосил олинди. Пахта хом ашёси етиштиришда энг катта натижага эришилди-3,5 миллион тонналик пахта хирмони бунёд этилди».

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги бундай муваффақиятлар ҳам қувонарли, ҳам фахрланарлидир.

Қиссадан ҳисса шуки, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 10 йиллиги нишонланадиган 2005 йилда «Миллий тикланиш нима?» деган саволга биз қисқача шундай жавоб берган бўлар эдик.

Миллий тикланиш-ўз Конституциясига, фуқароларига, тилига, миллий пулига, миллий байроғига, герби ва миллий мадҳиясига эга бўлишдир.

Миллий тикланиш-мустақил демократик ҳуқуқий давлат яратишдир.

Миллий тикланиш-халқимизнинг ўсиб бораётган талабини қондириш ва мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Миллий тикланиш-бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор инфраструктурасини яратиш ва уни ривожлантиришдир.

Миллий тикланиш-одамларнинг онгини, ижтимоий руҳиятини, тафаккурини мустақиллик талабларига, бозор эҳтиёжига жавоб берадиган тарзда ўзгартириш ва қайта қуришдир.

Миллий тикланиш-маърифат, маданият, миллий онглилик, миллий тил, миллий урф-одат, миллий қадриятлардир.

Миллий тикланиш-миллий бирлик, аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлашдир.

Миллий тикланиш-миллий истиқлол ва тараққиёт мафкурасидир.

Миллий тикланиш-миллат, ватан манфаати деб яшаш, унинг истиқболи, бахти ва саодати йўлида меҳнат қилиш ва курашиш-яъни ҳақиқий ватанпарварликдир.

Миллий тикланиш-«Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилни амалга оширишдир.

Миллий тикланиш-миллий ғоя, миллий мафкура, миллий ифтихордир.

Миллий тикланиш-соғлом ва баркамол авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини чуқур сингдиришдир.

Миллий тикланиш-ўз халқининг тарихини, маънавият-ахлоқий қадриятларини, удумлари, адабиёт, санъати ва маданиятини билиш, ҳурмат қилиш ва қадрлашдир.

Миллий тикланиш-қўшни давлатлар ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззатга эга бўлиш ва мустаҳкам пойдевор яратишдир.

Миллий тикланиш-турли демократик партияларнинг шаклланишидир.

Миллий тикланиш-халқнинг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклигини, ўз ҳаёти, ўз келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоён этишдир.

Миллий тикланиш-юксак маданиятли ва маънавиятли бўлиш, оташин ватанпарвар, юрти ва халқ ишига фидойи, қалби пок, сўзи билан иши бир, илми хулқига монанд бўлишдир.

Зеро, Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида «Мақсадимиз-демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Бу бизнинг эзгу орзуимиз, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафкурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир»-деб, миллий тикланиш мафкураси ва дастурининг мақсад ва вазифаларини белгилаб берган эди.

